**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАББОРОВ ИСМОИЛ АЗИМОВИЧ

ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 314.146:316.273(575.1)

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Psychological Sciences

Жабборов Исмоил Азимович
Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари.....3

Жабборов Исмоил Азимович
Социально-психологические механизмы координации супружеских отношений в семье …….....27

Jabborov Ismoil Azimovich
Social and psychological mechanisms of conformity of relations between husband and wife in the family …….....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..…….....……...54

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВ ИСМОИЛ АЗИМОВИЧ

ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Psi.67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Баротов Шариф Рамазонович** психология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	**Каримова Васила Маманосировна** психология фанлари доктори, профессор
	Лутфуллаева Нигора Халимбаевна психология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 202 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон миллий университети Ижтимоий фанлар факультети (4-қават, 409-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “B” қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «____»_____да тарқатилди.

(2021 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Г.Мухамедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, профессор

И.И.Рахимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Сафаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги халқлар, миллатлар, элатлар оилани қариндошлик иттифоқи ва эр-хотин алоқаларига асосланган шахсий ҳаётнинг энг муҳим шакли ва жамиятнинг бирлиги сифатида тушунадилар ва талқин этадилар. “Бугунги кунда халқаро миқёсидаги оилавий ажримларнинг таҳлилида алкоголизмга берилганлик (40 %), эр-хотин ота-оналаридан бирининг муносабатларига аралашиши (15 %), уй-жойга эга эмаслик ёки яшаш шароитининг етарлича эмаслиги (14 %), фарзанд кўришни истамаслик ёки турли сабабларга кўра фарзанд туғилмаслиги (мос келмаслиги, бепуштлик, гиёҳвандлик, жиддий касаллик 8 %), эр-хотинларнинг ҳар хил шаҳарларда яшашлари (6 %), эр-хотинлардан бирининг озодликдан маҳрум этилганлиги (2 %), бедаво касаллик (1 %) етакчи сабаблар сифатида қайд этилган”[1]. Шу боис оиладаги эр-хотин муносабатларининг мувофиқлиги ва оилавий муносабатларнинг барқарорлиги барча мамлакатлар учун энг долзарб муаммо сифатида доимий тадқиқотларга зарурат туғдиради.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида оилани ривожлантириш, янги оилавий муносабатларни шакллантириш, оила институти ва оила сиёсатининг замонавий модели, постиндустриал жамиятда оила институти инқирозлари, оила кичик гуруҳ сифатида, ёш оилалар ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўллари, фамилистика ва гендерологиянинг ижтимоий-маданий муаммолари, оилада психологик хизматни жорий этиш, оила психодиагностикаси, оиладаги гендер роллар, оила ва мактаб ўзаро ҳамкорлиги психологияси, ижтимоий хавфлар шароитида оила, фарзандликка олган оилаларда ота-она ва фарзанд муносабатларини психологик-педагогик ташкил этиш ва ҳар хил этник тизимларда оилани шакллантиришнинг психологик асослари мавзулари доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларга ҳамоҳанг тарзда оиладаги эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг психологик механизмларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади[2].

---

[1] Тимофеенко Е.Е. Проблема разводов в современном мире // Problema-razvodov-v-sovremennom-mire.pdf. – С. 103.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.Тошкент ш., 2018 йил 27 июнь // https://lex.uz/docs/3797625

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинишида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарори, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги 229-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” ушбу диссертация ишининг илмий-методологик асоси ҳисобланади.

Ижтимоий психология ва этнопсихологиянинг энг муҳим йўналиши сифатида оила психологияси, ёшларни оила ҳаётига тайёрлаш масалалари, оила – никоҳ муносабатлари, оиладаги ўзаро муносабатлар, ундаги зиддиятлар, ажралишлар ва унинг оқибатлари кейинги йилларда ривожланган хорижий мамлакатлар психология фанининг кенг тадқиқот манбаига айланиб бормоқда. Бу соҳада хорижлик психолог олимлар Х.Т.Кристенсен, Гарри Петрсон, Лоуренс Стоун, Э.Тийд, В.Метьюза, К.Миханович, Дайан Ваген, С.И.Голод, Пол Боэннэн, К.Р.Роджерс[3], Роберт Вейсс, Е.Бургесс, П.Воллин, Л.Терман, М.Одема, Г.Роланд, Б.Фабер, рус олимларидан С.В.Ковалев[4], Н.Н.Обозев[5], В.Уколова, К.В.Адушкина[6],

[3] Роджерс К.Р. Психология супружеских отношений возможные альтернативы // Пер. с англ. В.Говрилова (Серия “Психология для вцех”). – М.: изд-во Эсмо, 2002. – 288 с.

[4] Ковалев С.В. Психология семейных отношений. – М.: Педагогика, 1987. – 124 с.

[5] Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. – Киев: изд-во Ун-та, 1990. – 192 с.

[6] Адушкина К.В. Детерминанты удовлетворенности браком в молодых семьях / VI-ая Международная научная конференция “Психологические проблемы современной семьи: сборник тезисов / Под ред.

Д.Г.Айвазова[7], К.Н.Белогай[8], Ю.С.Котельникова[9], Г.В.Лагонда[10], Н.А.Осипова[11], С.А.Гармаев, Е.О.Тарасова[12], А.Кемпинский, Ю.И.Семенов[13], Машеров, Ю.Т.Тимофеевлар томонидан амалга оширилган.

Оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблар, миллий қадрият ва анъаналар, қариндошлар орасидаги никоҳлар, турли ижтимоий гуруҳ вакиллари тасаввурларидаги гендер тафовутларга хос йўналишларда Ғ.Шоумаров[14], Э.Ғозиев[15], В.Каримова[16], А.Жабборов[17], З.Расулова[18], Ў.Шамсиев[19], Н.Соғинов[20], Х.Каримов, М.Файзиева[17], У.Қодиров, О.Шамиева, М.Исақова, Н.Салаева[21], Р.Хикматуллаева, Р.Абдуллаева, Г.Ниёзметова, И.Гафарова Ҳ.Абдусаматовлар[22], тожик, қорақалпоқ, қирғиз ва қозоқ оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари бўйича Р.Самаров, М.Утепбергенов, Р.Душанов, Т.Норимбетов ва бошқалар олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари диққатга сазавордир.

Юқоридаги тадқиқотлардан кўринадики, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда оилани ўрганиш борасида кенг кўламдаги тадқиқот ишларининг йўлга қўйилаётганлигига қарамай, оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик

Карабановой О.А., Захаровой Е.И., Чурбановой С.М., Васягина Н.Н. – Москва: Звенигород, 2015. 30 сентября-4 октября. – С. 444-450.

[7] Айвазова Д.Г. Семейноенеблогополучие в зеркали психологии / VI-ая Международная научная конференция “Психологические проблемы современной семьи”. Сборник тезисов / Под ред. Карабановой О.А., Захаровой Е.И., Чурбановой С.М., Васягина Н.Н. – Москва: Звенигород, 2015. 30 сентября-4 октября. – С. 14-23.

[8] Белогай К.Н. Психологические задачи брака и факторы стабильности и супружеских отношений // Вестник КемГУ, 2010. – № 3 (43). – С. 21-26.

[9] Котельникова Ю.С. Психолгические осбенности преодоления нинормативных кризисов супружеских отношений в молодой семье. – Екатринбург, 2018. – 25 с.

[10] Лагонда Глеб Владимирович. Экспектационная теория брачныхотношенний. Монография. – Брест: БрГУ им. А.С.Пушкинаа, 2013. – 225 с., Автореф. на соиск. учин. степ. докт. психол. наук. – Минск, 2018. – 44 с.

[11] Осипова Н.А. Психологические особенности супружеских отношений в период кризиса молодой семьи. Автореф. дисс. канд. психол. наук. – М., 2007. – 24 с.

[12] Тарасова Е.О. Возрастные особенности супружеских отношений: по результатам исследования супружеских пар Пермского края // Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки, 2016. – № 1. – С. 23-28.

[13] Семенов Ю.И. Происхождение брака и семьи. – М.: Мысл, 1974. – 43 с.

[14] Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун қўлланма. – Т.: Шарқ, –140 б.

[15] Ғозиев Э. Психология методологияси. – Т., 2002. – 174 б.

[16] Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фанл. докт. ... дисс. – Фаргона, 1994. – 322 б.

[17] Файзиева М.Х., Жабборов А.М. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т.: Янги асравлоди, 2006. – 124 б.

[18] Расулова З.А. Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси. Пс. ф. д. дисс. (DSc). – Тошкент, 2018. – 263 б.

[19] Шамсиев У.Б. Оилавий холдинг – бола ижтимоийлашувининг психологик механизми. – Т., 2018. – 225 б.

[20] Согинов Н.А. Ёш ўзбек оилаларида юзага келадиган эр-хотин низоларининг этник хусусиятлари / Респ. илм. амал. анжум. маър. қисқ. баёни. – Т., 1993. – 49 б.

[21] Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари. Психол. фан. номз. … дисс. – Т., 2001. – 162 б.

[22] Абдусаматов Х.У. Никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. – Тошкент, 2019. – 126 б.

механизмлари ижтимоий ва этнопсихология муаммоси сифатида алоҳида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-3-030 “Педагогик ва ижтимоий психологиянинг этник хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини эмпирик жиҳатдан асослаш ҳамда уларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга хос ижтимоий-психологик хусусиятлар ёритилган манбаларни ўрганиб таҳлил қилиш;

ўзбек миллий-маданий муҳитида эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини эмпирик ўрганиш дастурини ишлаб чиқиш;

замонавий ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатларининг мувофиқлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш;

оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг етакчи қадриятларини асослаш;

замонавий оиладаги эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг миллий-психологик дастурини ишлаб чиқиш;

эр-хотин муносабатларида оилавий қадриятлар, оиладаги шахслараро муносабат, оиладаги индивидуал ва ижтимоий турмуш тартиби, соғлом турмуш тарзи профилактикаси каби ижтимоий-психологик жабҳаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларидан 67 та, Касби тумани, Миришкор тумани, Шаҳрисабз туманларидан 73 та оила (эр-хотин 280 киши) ҳамда тадқиқотнинг ҳар хил босқичларига 300 дан зиёд оилали шахслар, маҳалла фаоллари, диний уламолар ва оилавий турмушга тайёрланаётган ўспиринлардан иборат жами 580 нафар респондентлар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини тадқиқ этиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатув, анкета, ижтимоий психологик сўровнома (ИПС), оила-никоҳ масалаларига оид ёзма манбаларни ўрганиш, таржимаи ҳол, генетик-тарихий, контент-таҳлил методларидан, шунингдек, В.В.Столин, Т.Л.Романова ва Г.П.Бутенколарнинг “Никоҳдан қониққанлик саволномаси”, Ю.Э.Алёшина ва Л.Я.Гозманларнинг “Турмуш ўртоқларнинг табиати ва қарама-қаршиликларидаги ўзаро таъсири” ва А.Н.Волкованинг “Оиладаги эр-хотин муносабати ва оилавий

қадриятларни ўрганиш” методикаларининг миллий-маданий муҳитга мослаштирилган вариантлари ҳамда математик статистик усулларидан (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r_P-корреляция коэффициентини ҳисоблаш) фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эр-хотиннинг маиший-хўжалик юритиш, ота-она тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал-психотерапевтик ва ташқи жозибадорлик функционал муносабатларига хос шахсий сифатларнинг психологик мослиги, никоҳдан кутилган натижалар ўзаро мулоқот таъсирида тушунарли ва аниқ бўлиши сабабли эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг етакчи ижтимоий-психологик қадриятлар эканлиги исботланган;

эр-хотин муносабатларида шахслараро муносабат, индивидуал ва ижтимоий турмуш тартиби, соғлом турмуш тарзи профилактикаси каби ижтимоий-психологик жиҳатларни такомиллаштиришда авлоддан авлодга ўтиб келаётган оилавий қадриятлар тарихийлик ва даврийлик хусусият касб этиши туфайли оилада психологик мувофиқлик таъминланиши далилланган;

оилада эр-хотиннинг ўзаро ижобий муносабатларида оила бошлиғи эркакларда иродавий сифатларнинг устунлиги сабабли ўзига ишонч, мустақиллик, тиришқоқлик, қатъийлик, фаоллик, узоқни кўра билиш каби психологик хусусиятлар, аёлларда эса оилавий қадрият сифатларининг устунлиги сабабли сабр-тоқатли, эътиборли, тежамкор, бўйсунувчан, садоқатли, ҳаёли ва иболи бўлишлари каби психологик хусусиятлар устувор омиллар сифатида гавдаланиши аниқланган;

эр-хотиннинг оилавий роллари, қадриятлари ва установкаларидаги феъл-атворнинг мос келмаслиги, фарзандсизлик, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги каби номувофиқликлар оилада эр-хотиннинг фақатгина ўз эҳтиёжлари учун ҳаёт кечиришга ундовчи салбий эмоционал муҳитни шакллантириши аниқланиб, улар оилавий низоларни келтириб чиқарувчи асосий ижтимоий-психологик омиллар эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга хос шарқ мутафаккирларининг қарашлари, хорижий ҳамда мамлакатимиз психологлари ёндашувларини ҳозирги ўзбек оилаларига татбиқ этишнинг имкониятлари кўрсатиб берилган;

оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштириш муаммоларини ўрганиш бўйича янги психодиагностик методикалар ижтимоий ва этнопсихологик тадқиқотлар ҳамда психологик хизмат амалиётига жорий қилинган;

ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатларидаги номувофиқликнинг иқтисодий-маиший, ижтимоий-маданий, миллий-психологик ва жисмоний-типологик хусусиятлари тавсифи берилган;

ўзбекларнинг оила-никоҳ анъаналари ва эр-хотин муносабатлари мувофиқлигини ўрганиш бўйича махсус ижтимоий-психологик ва этнопсихологик сўровномалар ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда оила-никоҳ муносабатлари бўйича олиб борилаётган психологик маориф ва тарғибот ишлари ҳамда ижтимоий-амалий фаолият учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

турли ҳудудлардаги этномаданий хусусиятларнинг эр-хотин муносабатлари мувофиқлиги шаклланишига қандай таъсир ўтказиш имконияти илмий асосда изоҳлаб берилган;

Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари оила-никоҳ анъаналарига хос умр йўлдошини танлаш ва эр-хотин муносабатлари мувофиқлигини таъминлашнинг миллий-психологик проекцияси (истиқболли андозаси) тайёрланган ҳамда тегишли тавсиялар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларинининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг адекват, мукаммаллиги, репрезентативлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларидан фойдаланилгани ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилгани, натижалар “MS Excel”, “SPSS 15” дастурлари воситасида қайта ишлангани, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўлга киритилган илмий натижалардан этнопсихология, оила психологияси, ижтимоий психология, дин психологияси, шахс психологияси, одобнома, маънавият асослари ва бошқа оила-никоҳ масалаларини ўрганувчи фан соҳаларига оид мавжуд назарий билимларни янада бойитишда, уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ҳамда замонавий оила-никоҳ анъаналарини чуқур ўрганиш улар анъанавий моделининг туб асослари ҳақидаги этнопсихологик қарашларни бойитишда, тадқиқот натижалари, умумий хулоса ҳамда тавсиялардан жамоат ва давлат ташкилотлари, хусусан, маҳалла қўмиталари фаолиятида оила институтини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, республика олий ўқув юртларида, академик лицей ва умумтаълим мактабларида ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда, никоҳ-оила муносабатлари заминида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда, малака ошириш курсларида, амалиётчи психологлар ва оилага психологик хизмат кўрсатиш маркази фаолиятида, оилашунос мутахассисларни тайёрлаш курслари учун дарсликлар, ўқув ва илмий-услубий қўлланмалар яратишда назарий манба сифатида, оилага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда ва маънавият дарсларида кенг фойдаланиш ҳамда ижроия органларига оила сиёсати бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ва зарур кўрсатмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эр-хотиннинг оилавий роллари, қадриятлари ва установкаларидаги психологик номувофиқликлар ҳамда оилада ижобий эмоционал муҳитни

шакллантиришга эътиборсизлик туфайли оилавий низоларни келтириб чиқарувчи эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги каби муҳим ижтимоий-психологик омиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг “Оила психологияси” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7^{д}-сон маълумотномаси). Натижада замонавий оилаларда оилавий низоларни келтириб чиқарувчи асосий омилларни аниқлайдиган ва уни олдини олишга хизмат қиладиган илмий-методик таъминотнинг бойитилишига эришилган;

бугунги кун оиласидаги шахслараро муносабатнинг эмпирик таҳлили асосида эр-хотиннинг маиший-хўжалик юритиши, ота-она тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал-психотерапевтик функциялари ҳамда шахсий сифатларига кўра психологик мослиги ва ташқи жозибадорлик қадриятлари эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг асосий ижтимоий-психологик омиллари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг “Ижтимоий психология” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7^{д}-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психолог мутахассисларни оила психологияси йўналишида ўқитишда назария ҳамда амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

замонавий оиладаги эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг миллий психологик дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда оиланинг никоҳолди, оила ва қайнона-қайноталик муносабат босқичлари бўйича никоҳ иштирокчиларинг функционал-ролли тузилмаси, оиланинг психологик саломатлиги, ота-оналик вазифалари, оила ҳақида ахборотлар тузилмаси (генограммаси) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг “Шахслараро муносабатлар психологияси” модули мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7^{д}-сон маълумотномаси). Натижада замонавий оиланинг ривожланишида унинг марказида турувчи эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилган;

эр-хотин муносабатининг оилавий қадриятлар, оиладаги шахслараро муносабат, оиладаги индивидуал ва ижтимоий турмуш тартиби, соғлом турмуш тарзи профилактикаси каби ижтимоий-психологик компонентлари замонавий оилада турмуш ўртоқ билан рафиқа ўзаро муносабатлари мувофиқлигини таъминлаши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг “Психогигиена” модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7^{д}-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси психолог кадрларнинг оилага психологик хизмат кўрсатиш, оилада ижтимоий соғлом муҳитни

шакллантириш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан, 4 та мақола республика журналларида ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 142 бет.

ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, қўлланилган методлар, тадқиқот объекти ҳамда предмети аниқлаштирилган, илмий ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оилада эр-хотин муносабатлари ўзаро мувофиқлигининг назарий-методологик асослари”**га бағишланган бўлиб, оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга хос шарқ мутафаккирларининг қарашлари, хориж ва мамлакатимиз психологлари ёндашувларини ўзбек миллий-маданий муҳитига татбиқ этишнинг имкониятлари кўрсатиб берилган. Олиб борилган тадқиқотларда оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштириш ҳар даврда ҳам долзарб мавзу эканлиги асосланган.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларидаги Марказий Осиёда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса, эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи, тарбиявий муҳитига доир қимматли фикрлар ёритилган.

Ўзбек оиласидаги ҳаёт тарзи ва ундаги шахслараро муносабатлар маданияти буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари

бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Вали тариқатларида, оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд тарбиясига эътибор, эркак билан аёл муносабатининг ўзига хослиги, инсоний фазилатларнинг шаклланиш меъёрлари ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижодида (Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ достонлари) атрофлича баён қилингани асосланган.

Эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар маданиятини америкалик тадқиқотчилар В.Метьюза ва К.Михановичлар олиб борган реал оила ҳаётини ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди. Тадқиқотлар давомида бахтли ва бахтсиз оилалар (шартли равишда) ўртасидаги ўндан ортиқ зарур фарқлар кўрсатиб ўтилган. Ажралиш вақтида ажралишаётган эр-хотин муносабатларини ўрганган тадқиқотчи Дайан Ваген кўп ҳолларда жисмоний ажралишдан олдин эр-хотинлар ижтимоий-маънавий жиҳатдан бошқа-бошқа кишилар бўлиб қолишини аниқлаган. Жудет Валлерстайн ва Жон Келлилар Калифорния штатида ажралган олтмишта оиланинг болалари ҳаётини ўрганиб, ажралиш ҳолатларининг салбий оқибатлари болалар учун ниҳоятда оғир кечишини таъкидлашган. Е.Бургесс, П.Воллин, Л.Терман ва М.Одема, Г.Роландлар кенг қамровли тадқиқотларига таяниб эр-хотинликдан қониқишда шерикларга хос сифат ва фазилатларнинг бир қанча турлари мос келиши зарурлигини қайд этганлар.

Рус олимлари Ю.И.Семенов, Машеров, Ю.Т.Тимофеевларнинг тадқиқотларида оилада низоли вазиятларнинг келиб чиқиши инсон турмуш тарзининг бутунлигича қамраб олувчи соҳалардаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган. З.Б.Сикевич ва Ю.А.Посселлар томонидан миллати бир хил ёки ҳар хил бўлган келин-куёвларда оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Ю.С.Котельникова ёш оилаларда номеъёрий кризислар юзага келишининг психологик хусусиятларини биринчилардан бўлиб системали ўрганган. Г.В.Лагонда никоҳ муносабатларидан кутиш назарияси (орзу ҳавас натижаларини кутиш)ни атрофлича ўрганишга уринган. С.А.Гармаев ўз тадқиқотларида Христиан динига мансуб кишиларнинг оилавий муносабатлари маданияти ҳақида алоҳида тадқиқотлар олиб борган. Е.М.Савина илмий тадқиқотларида бола туғилиши кутилаётган даврда (онанинг ҳомиладорлик пайтида) оиладаги аҳамиятли муносабатлар тизими ёритилган. Е.О.Тарасова ўз илмий изланишларида эр-хотин муносабатларидаги ўзгаришлар ёш хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлишини аниқлаган. К.Н.Белогай эр-хотин муносабатларини барқарорлаштирувчи омиллар ва никоҳнинг психологик вазифалари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилади. К.В.Адушкина илмий изланишларида “Ёш оилаларда никоҳдан қаноатланганлик детерминантлари”ни (тасдиқлари, белгилари) тадқиқ этган.

Мамлакатимиз психолог олимлари (Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Б.Расулова, Ў.Б.Шамсиев, М.Утепберганов, Н.А.Соғинов,С.А.Охунжонова, Т.М.Адизова, Э.Усмонов, О.Шамиева,

Н.Салаева, Ф.Р.Рўзиқулов, М.Файзиева, Ҳ.У.Абдусаматов ва бошқ.) томонидан оилавий ҳаёт психологияси, оила-никоҳ муносабатлари, оиладаги соғлом турмуш тарзи, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари, ундаги зиддиятлар, ажралишлар ва унинг оқибатларига йўналтирилган тадқиқот ишлари олиб борилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Мазкур боб якунида оилада эр-хотин муносабатлари ўзаро мувофиқлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида эр-хотиннинг никоҳ ва оилавий муносабатларга жисмоний, ахлоқий-маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий билим ҳамда шахслилик сифат ва фазилатлари билан тайёр бўлиши, оилада ўзларига тегишли бурч ҳамда вазифаларни меъёрли адо этишлари, шарқ халқларида, хусусан, ўзбекларда амал қиладиган оилавий муносабатларнинг ўзига хос нозик томонларига муносиб бўлишларига алоҳида эътибор берилган.

Диссертациянинг **“Оилада эр-хотин муносабатлари мувофиқлигини ўрганишнинг эмпирик асослари”** деб номланган иккинчи бобида мазкур муаммони тадқиқ этиш учун тадқиқот босқичлари белгиланди, фаннинг методологик асослари ва методикаларнинг психологик тавсифи кенг ёритилди, тадқиқот ишимиз анча мураккаб ва ўта долзарб мавзуга бағишланганлиги учун унинг босқичларига, илмий психологик билимларни асослаш учун фаннинг методологик тамойилларига ва тадқиқот методикаларида белгиланган қонун-қоидалар ва йўл-йўриқларга қатъий амал қилинди.

1-жадвал

Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлари кўрсаткичлари

Қадриятлар	Шкалалар	X	σ	t	p
Жинсий муносабатлар	ЭОҚШ	7,28	1,34	-0,179	0,859
	ХОҚШ	7,33	1,45		
	ЭХОҚМ	1,33	1,01		
Эр-хотинларнинг шахс сифатида мувофиқлиги	ЭОҚШ	6,83	1,14	-0,507	0,615
	ХОҚШ	7,00	1,62		
	ЭХОҚМ	1,61	1,22		
Маиший-хўжалик юритиш	ЭОҚШ	6,98	1,17	-0,489	0,628
	ХОҚШ	7,09	0,98		
	ЭХОҚМ	1,17	0,77		
Ота-она тарбиячилик функцияси	ЭОҚШ	7,55	1,07	0,762	0,450
	ХОҚШ	7,39	1,22		
	ЭХОҚМ	1,02	0,98		
Ижтимоий фаоллик	ЭОҚШ	7,58	1,07	-1,035	0,307
	ХОҚШ	7,82	1,05		
	ЭХОҚМ	1,23	0,84		
Ҳиссий-психотерапевтик	ЭОҚШ	7,38	1,03	-0,124	0,902
	ХОҚШ	7,40	0,88		
	ЭХОҚМ	0,95	0,79		
Ташқи жозибадорлик	ЭОҚШ	6,67	1,06	-1,481	0,146
	ХОҚШ	7,05	1,25		
	ЭХОҚМ	1,39	0,94		

Ҳозирги замон оилаларида эр-хотин муносабатларига хос инқироз шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида А.Н.Волкованинг “Оиладаги эр-хотин муносабати ва оилавий қадриятларни ўрганиш” методикасига мурожаат қилдик.

Тадқиқот натижаларига кўра, жинсий муносабатлар юзасидан эрлар 7,28±1,34, аёллар 7,33±1,45 (р-фарқлар ишончлилиги кузатилмади) баллни намоён қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Натижалар эр-хотинларда ўртачадан юқори бўлиб, натижанинг бундай кўриниш олиши оилада, эр-хотин муносабатларида жинсий масалаларни эътибордан четда қолдириш керак эмас, деган хулосани келтириб чиқаради. Нисбий маънода натижалар эр-хотинларнинг берган жавобларида жинсий мутаносиблик оилавий бахт, улар ўзаро эъзозланишининг муҳим шарти эканлигини тасдиқлайди. Айрим ҳолатларда жинсий уйғунликнинг етишмаслиги қадриятларни синдириб, оиланинг бузилишига олиб келмоқда.

Эр-хотиннинг шахс сифатида мувофиқлиги натижаларига мурожаат этсак, эрлар 6,83±1,14 ва аёллар 7,00±1,62 балл (р-фарқлар ишончлилиги кузатилмади) билан қаноатланганлар. Олинган миқдорий кўрсаткичлар, эрларнинг турмуш ўртоғига мувофиқ келиши тўғрисида ўртача кўрсаткичдан юқори эканлигидан далолат бермоқда. Бу эса эркаклар учун аёлларнинг манфаатлари, қизиқишлари, қадриятлар ориентациясига эрнинг таъсир доираси юқорилигини айтиш мумкин. Миллий маданий муҳитимизда ҳам хотин доимо эрни тушуниши, унинг фикрларига қаршилик билдирмаслиги, норозилик қилмаслиги ва сўзсиз бўйсуниши лозим, деган позицияда туриш етакчилик қилади.

Хотинларнинг натижалари эса эрлариникига нисбатан анчагина юқори. Бу эса аёлларнинг (қизларни) ўзларига турмуш ўртоқ танлашда оқилона ёндашишга мойил эканлигини англатади, лекин бундай ҳолат кучли ҳиссий зўриқиш, фрустрацияга мойиллик, норозиликлар билдириб туриш, ажралиш хоҳишининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Чунки замонавий оиладаги инқирозларни айнан эр-хотин ўртасидаги шахслилик идентификациясининг мужассамлашмаганлик оқибати деб қараш ўринли.

Маиший-хўжалик юритиш натижаларга кўра, эрлар 6,98±1,17, хотинлар 7,09±0,98 баллни (р-фарқлар ишончлилиги кузатилди) намоён қилдилар.

Натижалар ифодасида эркакларнинг хотинларига нисбатан уй-жой ишларига талаблари стабиллашган бўлса, аёллар эса эрларига маиший-хўжалик юритиш фаолиятидан етарлича қониқмасликларини ва эрларидан фаоллик, шижоаткорлик, тадбиркорлик ҳамда хўжалик ишларида уқувлиликни талаб этмоқдалар. Маиший-хўжалик фаолиятининг меъёрда бўлмаслиги ҳам оилавий муносабатларда доимо муайян низоли вазиятларни юзага келтирмоқда.

Ота-она тарбиячилик функциясида эр-хотинлар нисбатан юқори кўрсаткичларни, яъни 7,55±1,07 балл (эрлар) ва 7,39±1,22 балл (хотинлар) билан қаноатланганликлари ифодаланган. Эр-хотинларнинг фарзандларига

нисбатан ота-оналик меҳри табиий асослансада, аммо тарбиявий фаолиятида анчагина таназзул кўзга ташланмоқда. Ота-оналар кўпроқ фарзандларнинг моддий таъминоти билан машғул бўлишлари, оилавий тарбия жараёнида муайян даражада бўшлиқ ҳосил бўлаётганлиги кузатилади. Бу эса замонавий оиладаги ижтимоий-психологик муҳитда инқирозни юзага келтиради.

Ижтимоий фаоллик шкаласи эр-хотинларнинг ташқи ижтимоий фаоллигини, яъни касбий ва жамият ҳаётидаги оилавий муносабатлар барқарорлигини белгиловчи установкаларни акс эттиради.

Натижаларда эса қуйидагича манзара кузатилди, яъни эрлар 7,58±1,07 балл, аёллар 7,82±1,05 балл тўплади. Аммо ижтимоий-иқтисодий, маданий муҳитнинг ўзгариши эр билан хотиннинг оиладаги моддий таъминотдаги функциясининг ўзгариб боришига олиб келаётганлиги унинг тузилишида баъзан бузилишларни келтириб чиқармоқда.

“Ҳиссий-психотерапевтик” шкала бўйича эр-хотинлар қуйидаги кўринишдаги маълумотларни намоён қилдилар. Эркаклар 7,38±1,03 балл, аёллар 7,40±0,88 балл (р-фарқлар ишончлилиги кузатиламади). Эркаклар натижанинг ўртача миқдорини намоён қилгани оиланинг мустаҳкамлиги, ижобий-психологик муҳит, оилада эр-хотиннинг бир-бирини маънавий-ҳиссий қўллаб-қувватлашда эркакнинг ролини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда ва бу бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Аёлларнинг натижалари ўртачадан анча юқори (6,10± балл). Бу аёлнинг оилада лидерлигини кўрсатиб, ҳиссий-психологик муҳитни стабиллаштирувчи ҳамда унда психотерапевтик роль бажараётганлигидан далолат бермоқда. Оила аъзоларини маънавий ва ҳиссий қўллаб-қувватлашда аёлнинг ўрни юқори эканлигини тасдиқласакда, аммо жиддий ҳаётий масалаларда ва низоли вазиятларда аёлнинг ҳиссий хулосаларга келишини эътибордан четда қолдирмаслик маъқул.

“Ташқи” жозибадорлик шкаласига кўра, эрлар ҳам, аёллар ҳам анча юқори натижани намоён қилишган, чунончи эрлар 6,67±1,06 балл, аёллар эса 7,05±1,25 балл тўплашган. Натижаларнинг бундай юқори даражада бўлиши текширилувчиларнинг тасаввур тимсоллари маҳсули ҳамдир. Аммо қандай бўлишидан қатъий назар эр-хотинлар “ташқи жозибадорликка” даъвогар эканлар. (1-жадвал)

Ўйлаймизки, эр-хотинлар “ташқи жозибадорликка” эришиш учун ўзларини ҳурматлашлари, миллий ва умуминсоний қадрият меъёрларини билишлари, унга оқилона амал қилишлари лозим. Бунинг учун оиланинг моддий таъминотини яхшилаш, шахс сифатида идентификациялашган, ижтимоий фаолликка эгалик шарт. Қадриятлар бўйича эр-хотин ролларининг адекватлик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилганда

2-жадвал

Қадриятлар бўйича эр-хотин ролларининг адекватлик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (эрларнинг натижаси)

Қадриятлар	Маиший -хўжалик	Ота-она тарбиячилик функцияси	Ижтимоий фаоллик	Ҳиссий-психотерапевтик	Ташқи жозибадорлик
Маиший-хўжалик	1	0,267*	0,136	0,330*	0,022
Ота-она тарбиячилик функцияси		1	0,286*	0,276*	0,155
Ижтимоий фаоллик			1	-0,017	0,090
Ҳиссий-психотерапевтик				1	0,024
Ташқи жозибадорлик					1

Изоҳ: *p≤0,05

эрларнинг натижаларига кўра, ролларнинг адекватлиги бўйича тўртта аҳамиятлилик коэффициенти аниқланди. Бу ҳолат “маиший-хўжалик” қадрияти билан “ота-она тарбиячилик функцияси” ўртасида (r=0,267, p≤0,05) ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Ижобий корреляцион муносабат ифодасига кўра, оилада эр ва хотин маиший-хўжалик ролларини мақсадга мувофиқ бажаришлари ота-онанинг тарбиячилик функциясини меъёрда амалга оширишларини таъминлар экан. Шунингдек, “маиший-хўжалик” ва “ҳиссий-психотерапевтик” роллари ўртасида ҳам ижобий корреляцион боғлиқлик (r=0,330, p≤0,05) кузатилди. Корреляцион боғлиқликка кўра, “маиший-хўжалик” ролларининг ўсиб бориши уларнинг “ҳиссий психотерапевтик” ролларининг ўсишига хизмат қилмоқда. Эр-хотинларнинг “тарбиячи сифати функциялари” эса “ижтимоий фаоллик” (r=0,286, p≤0,05) ва “ҳиссий-психотерапевтик” (r=0,276, p≤0,05) роллари билан ижобий корреляцион боғлиқликка эга бўлди. Эр-хотинлар ота-оналикка хос вазифаларни мақсадга мувофиқ қадриятли меъёрларга мос яхши бажарсалар, уларнинг атрофидагилар муносабатида ҳам адекватлик ва, ўз навбатида, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари учун хизмат қилар экан. Бу ҳолатлар эркак респондентлар натижаларининг мазмуний ифодаланишидир. (2-жадвал)

Бу борада аёлларнинг натижалари таҳлилига мурожаат қилиш ҳам янги маълумотлар тақдим қилади.

3-жадвал

Қадриятлар бўйича эр-хотин ролларининг адекватлик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (хотинларнинг натижалари)

Қадриятлар	Маиший-хўжалик	Ота-она тарбиячилик функцияси	Ижтимоий фаоллик	Ҳиссий-психотерапевтик	Ташқи жозибадорлик
Маиший-хўжалик	1	0,239*	0,225*	0,255**	0,270*
Ота-она тарбиячилик функцияси		1	0,166	0,051	0,134
Ижтимоий фаоллик			1	0,302*	-0,056
Ҳиссий - психотерапевтик				1	0,079
Ташқи жозибадорлик					1

Изоҳ: *p≤0,05

Аёлларнинг натижаларида ролларнинг адекватлиги ўртасида бешта ижобий корреляцион алоқалар аниқланди. Аниқланган корреляцион коэффициентлар аёллар таъбирича, эр-хотинлар роллари адекватлигининг янги қирраларини изоҳлашга хизмат қилади. Аёлларнинг эмпирик кўрсаткичларида “маиший-хўжалик” ролларининг қанчалик меъёрда бўлиши “ота-она тарбиячилик функцияси”ни (r=0,239, p≤0,05), “ижтимоий фаоллик” (r=0,225, p≤0,05), ҳиссий-психотерапевтик (r=0,255, p≤0,05) ва “ташқи жозибадорлик” (r=0,270, p≤0,05) ролларининг ўсишини таъминлашга хизмат қилар экан. Оилада эр-хотин ролларининг адекватлиги кўплаб бошқа ижтимой-психологик вазифаларни мақсадга мувофиқ кечишини таъминлайди дейиш мумкин.

Аёлларнинг кўрсаткичларида яна “ижтимоий фаоллик” қадрияти бўйича эр-хотин роллари “ҳиссий психотерапевтик” қадрият бўйича роллар билан ижобий корреляцион алоқани ҳосил қилди (r=0,302, p≤0,05). Бу эса эр-хотиннинг жамиятда, социал муносабатда ўзининг ижтимоий ролларини меъёрда амалга ошириши, уларнинг турмуш ўртоқ сифатида бир-бирига самимий ва илқ муносабатда бўлиши, зарур ҳолларда бир-бирларини қўллаб-қувватлашларини ифодалайди. (3-жадвал)

Турмуш ўртоқларнинг табиати ва қарама-қаршиликларининг оилавий муносабатларга ўзаро таъсири ўрганилганда оилада эр-хотинлар

4-жадвал

Турмуш ўртоқларнинг табиати ва қарама-қаршиликларини оилавий муносабатлардаги ўзаро таъсири

Ишлов бериш натижалари		**X**	**σ**	**t**
Қариндошлар ва дўстлар билан муносабатларда муаммолар	Эр	0,17	0,55	0,280
	Хотин	0,14	0,43	
Болалар тарбияси билан боғлиқ масалалар	Эр	0,08	0,66	1,005
	Хотин	-2,61	1,19	
Мухторият истаги пайдо бўлиши	Эр	0,12	0,56	1,029
	Хотин	-0,84	4,75	
Ролни кутиш қоидаларини бузиш	Эр	0,28	0,57	0,661
	Хотин	0,18	0,45	
Хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги	Эр	0,23	0,42	0,736
	Хотин	0,15	0,41	
Турмуш ўртоғининг ҳукмронлигини намоён қилиш	Эр	0,31	0,49	1,763
	Хотин	0,05	0,51	
Рашк намойиши	Эр	0,10	0,52	0,706
	Хотин	0,03	0,50	
Пулга нисбатан номувофиқликлар	Эр	0,21	0,50	2,359*
	Хотин	-0,05	0,41	

Изоҳ: *p≤0,05

психологик табиати ва оила юмушлари билан боғлиқ зиддиятлар оилавий муносабатларнинг турли хил томонларини ўзида акс эттиради. Ушбу йўналишдаги изланишларда эр-хотинларнинг муносабатларига таяниб, қатор хусусиятларни баҳолашга эришилди. “Қариндошлар ва дўстлар билан

муносабатларда муаммолар” (0,17 ва 0,14), “болалар тарбияси билан боғлиқ масалалар” (0,08 ва -2,61), “масъулиятни ўз зиммасига олиш истагининг пайдо бўлиши” (0,12 ва -0,84), “ролни кутиш қоидалари” (0,28 ва 0,18), “хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги” (0,23 ва 0,15), “Турмуш ўртоғининг ҳукмронлигини намоён қилиши” (0,31 ва 0,05), “Рашк намойиши” (0,10 ва 0,03) шкалалари бўйича аҳамиятли статистик тафовутлар аниқланмади.

Эр-хотинларнинг “Пулга нисбатан номувофиқлик” (0,21 ва -0,05) шкаласи бўйича кўрсаткичлари ўртасида (t=2,359, p≤0,05) тафовутли фарқ кузатилди. Натижалар эса эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишида “пулга нисбатан номувофиқликлар” сабаб бўлишини кўрсатмоқда. Ушбу шкаланинг бошқа шкалалардан кескин фарқланишини бугунги кун оилаларидаги кўпгина номутаносибликларда моддий масалалар билан боғлиқ омиллар таъсири билан ифодалаш мумкин. (4-жадвал)

Турмуш ўртоқларнинг табиати ва қарама-қаршиликларини оилавий муносабатлардаги ўзаро таъсири бўйича корреляцион боғлиқлик ўрганилганда “хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги” билан “турмуш ўртоғининг

5-жадвал

Турмуш ўртоқларнинг табиати ва қарама-қаршиликларини оилавий муносабатлардаги ўзаро таъсири бўйича корреляцион боғлиқлик
(Эр-хотинларнинг натижалари бўйича)

	Қариндошлар ва дўстлар билан муносабатларда муаммолар	Болалар тарбияси билан боғлиқ масалалар	Мухторият истаги пайдо бўлиши	Ролни кутиш қоидаларини бузиш	Хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги	Турмуш ўртоғининг ҳукмронлигини намоён қилиш	Рашк намойиши	Пулга нисбатан номувофиқликлар
Қариндошлар ва дўстлар билан муносабатларда муаммолар	1	0,094	-0,143	0,013	-0,212	0,038	0,173	0,001
Болалар тарбияси билан боғлиқ масалалар		1	-0,020	-0,201	-0,016	-0,001	0,023	0,025
Мухторият истаги пайдо бўлиши			1	0,216	0,218	0,199	0,165	-0,232
Ролни кутиш қоидаларини бузиш				1	-0,035	0,165	0,187	-0,231
Хулқ-атвор меъёрларига мос келмаслиги					1	0,284*	-0,112	-0,003
Турмуш ўртоғининг ҳукмронлигини намоён қилиш						1	0,251	0,125
Рашк намойиши							1	-0,139
Пулга нисбатан номувофиқликлар								1

Изоҳ: *p≤0,05

ҳукмронлигини намоён қилиш” шкалалари ўртасида ижобий корреляцион боғланиш ҳосил бўлди (r=0,284, p≤0,05). Корреляцион боғланиш шундан далолат бермоқдаки, агар эр ёки хотиннинг хулқ-атворида оилавий муносабатлар ва социал хулқ-атвор меъёрларининг мос келмаслиги кузатилса, бу оилавий қадриятларни сақлашда назорат механизми сифатида хизмат қилса-да, аммо уни ижобий назорат механизми сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу ҳолат кейинчалик эр-хотин муносабатида оилавий қадриятларнинг поймол бўлишига хос хатти-ҳаракатлар сифатида кузатилади. (5-жадвал)

Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-психологик аспектларига эр-хотинларда хушмуомалалик, раҳмдиллик, беғаразлик, ишонувчанлик, фидокорлик, итоаткорлик, тежамкорлик, муросакорлик, мустақиллик, ўзаро муносабат ва хатти-ҳаракатлари ифодасида ҳаёли, иболи, ахлоқ-одобли бўлиши муҳим жиҳатлар эканлиги тасдиқланди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Замонавий оилада эр-хотин ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг илмий-амалий истиқболлари”** деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Замонавий оилада эр-хотин муносабатларини гуманизациялаш имкониятлари” тўғрисидаги маълумотлар таҳлили ва талқинига бағишланган.

Инсонпарварлик психологияси инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитларига, айниқса, кишиларнинг никоҳ ва оиладаги ўзаро муносабатлари контекстига алоҳида эътибор беради. Унга кўра, никоҳга кирувчилар дастлаб жамиятда яшашни, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида шахслараро мулоқотнинг ҳар хил зарурий шакллари ва усулларини ўрганиши лозим.

